ҲОЗИРГИ ЗАМОН АХБОРОТЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ф.Тайлақова

Статья посвящена проблемам воспитания молодёжи в условиях глобализации и расширения информационного поля.

In this article is devoted to the problems of education of youth in conditions globalization and expansion of in information field.

Бугун масофалар қисқараётган, муносабатлар яқинлашаётган, маданиятлар муштараклашаётган, замон тили билан айтганда "глобаллашаётган" бир давра яшаб турибмиз.

Президентимиз Ислом Каримов кўп марта таъкидлаганидек, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш давр талаби бўлиб қолди. Инсон узлуксиз равишда руҳий, маърифий озуқа олиб турмаса, унинг маънавий қашшоқланиши табиий. Демак, жамиятнинг тараққий этиши учун халқнинг ғоявий жиҳатдан саводхонлигини ошириш, бу борада муттасил таълим-тарбия ишларини олиб бориш зарур. Оммавий ахборот воситаларининг мафкуравий тарбия ва аҳолига ғоявий таъсир ўтказишдаги роли жуда каттадир. Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Бунинг натижасида ўша жамият ривожига туртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилиши, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилиши таъминланади. Соғлом ғоя тарбияси юксак дунёқараш ва эътибор тарбиясини англатади. Ғоявий тарбия мезонларидан бири масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдир.

"Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас"[1;112], - деб таъкидлайди И.А.Каримов.

Маълумки, дунёдаги барча мамлакатларда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутади. Газета ва журналлар, радио ва телевидение воситалари ҳар бир давлатда омма билан ҳокимият ўртасидаги ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди",- дейилган. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситалари ролини ошириш мақсади, эркинлигини таъминлаш, уларни халққа садоқат билан хизмат қилиши алоҳида таъкидланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг асосий миллий телерадиоканаллари олдида турган бош вазифа аҳолининг холис ва хаққоний ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир.

Оммавий ахборот воситаларининг долзарб вазифаларидан бири бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятинини очиб беришдан иборатдир. Республикамизда чуқур фикрловчи кадрларга эга бўлган, янгича мазмун-моҳият касб этган оммавий ахборот воситалари фаолияти учун ҳамма шароитлар яратилди. Хусусий оммавий ахборот воситалари фаолият юрита бошлади. Дунёнинг турли минтақаларидан мустақил равишда ахборотлар олиш имкониятлари яратилди, оммавий ахборот воситалари тўғрисида қатор қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуни мамлакатимиздаги барча газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларини дунё миқёсига олиб чиқиш учун хизмат қилувчи асосий дастур бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси ва саъйи-ҳаракатлари билан: Ўзбекистон Республикасининг "Журналистлик касбини ҳимоя қилиш тўғрисида" ҳамда "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар фуқароларнинг ахборот қидириб топиш, олиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини тўла миқёсда таъминлайдиган ҳуқуқий қурол бўлиб, аҳоли учун ахборот олиш ва етказишнинг бош воситачиси деб қаралувчи журналистнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асосни вужудга келтирди. Бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари

мустақилликни мустаҳкамлаш, халққа тезкор ва объектив характердаги ахборотларни етказиб бериш минбарига айланди.

Бугунги кунда барча тан олган Ғарб ва Шарқ маданиятидаги асосий фарқ ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги Ғарб индивидуализми ҳамда Шарқ жамоавийлигидир. Шарқ халқларининг, хусусан, Ўрта Осиёда яшаётган халқларнинг ҳаётидаги жамоавийлик - маҳалла, жамоа муҳитида бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиб яшаш каби хусусиятлар давр синовларига дош бериб сайқалланиб келаётган қадриятга айланганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳол Европа индивидуализмига қарши ўлароқ инсонпарварлик, инсоний қадр-қимматнинг ўрни Шарқ халқлари ҳаётида юксаклигини кўрсатади.

Демак, цивилизацияларо мулоқотлар ривожланиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида ёшлар олдида маданият ва ахборотлар уммонидан ўзларига мос, мафкуравий тазйиқдан ҳоли билимларни танлаб олиш талаб қилинади. Давр тезкорлигининг меваси бўлмиш мафкуравий таъсирнинг асосий воситасига айланган ахборотлар оқимидан сақланишнинг йўли — бу ахборотлар мазмунига синчковлик. билан ёндашмоқлик, тўғри таҳлил қила олишликдир.

Ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, сиёсий қарашлари тўла шаклланмаган, ақлдан кўра ҳиссиётга кўпроқ берилувчи ёшлар турли мафкуравий тазйиққа осон берилувчи ижтимоий қатлам ҳисобланади. Бу ҳақда олдиндан башорат сифатида Президентимиз томонидан айтилган қуйидаги фикр аҳамиятлидир: “Ғанимларимиз ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади”[2;11].

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги даврда ахборот хуружларидан ҳимояланиш учун ёшлар онгига қуйидаги ҳақиқатларни сингдириш зарур:

- ахборот хуружларининг дастлабки босқичдаги “оҳанграболик” замирида тамомила бошқа, бизнинг миллий манфаатларимиз, маданиятимиз ва қадриятларимизга зид мақсадлар ётишини;
- ахборот хуружларида мавжуд воқелик кўпиртириб ёки бузиб кўрсатиш, мамлакатда қабул қилинган қарорларнинг нотўғри талқин қилиниши аслида ўша ғаразли мақсадларга қаратилганини;
- ахборот хуружлари маънавий-психологик характерда бўлиши, кишиларда миллий руҳиятни заифлаштиришга қаратилиши ҳамда мафкуравий пухта бўлмаган, дунёқараши шаклланмаган ёшларга маънавий таъсирдан ташқари иқтисодиётни издан чиқаришига ҳам таъсир қилиши мумкинлигини.

Бугунги кунда мамлакатимизга қилинаётган ахборот хуружлари “демократия, эркинлик ва фаровонликни илгари суриш” ниқоби остида турли социал ва геосиёсий манфаатларни ўзида мужассамлаштирган. Бундай хуружлар турли халқаро жамғармалар, ахборот воситалари, интернет каби усуллар орқали амалга оширилмоқда. Мафкуравий жараёнлар авж олган шундай шароитда ёшларни турли хил оммавий-ахборотлар хуружидан ҳимоя қилиш муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008 й, 112 б
2. Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлик.- Т.Ўзбекистон, 2004, 11 б.

Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти,
2009 йил 8 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: с.ф.д. К.Юнусов)